

Шундай бўлсада, юқорида таъкидланганидек, кузги юмшоқ буғдойнинг "Ғозғон" нави уруғларининг дала унвчанликларини экиш билан бирга қўлланилган фосфорли ва калийли ўғитларнинг тупроқ эритмасида эришиш натижасида экилган уруғларнинг дала унвчанлиги учун тегишли агрофизик муҳит яратилишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан дала унвчанлигининг 2 % гача ошиши билан ифодалаш мумкин.

Хулоса. Демак, Қашқадарё вилоятининг деҳқончилик учун ноқулай тупроқ-иқлим шароитида кузги юмшоқ буғдойнинг

"Ғозғон" нави уруғи октябр ойи ўртасида экилиб (15.X) фосфорли ва калийли ўғитлар экиш билан бирга қўлланилганда ушбу ўғитларнинг тупроқ эритмасида эриши натижасида тупроқнинг агрофизик хусусиятларини яхшилаши ҳисобида минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан дала унвчанлигини 2 % гача ошишини таъминлайди.

Моҳира БОБОМУРОВА,

таъин докторант,

Искандар БҶРИЕВ,

к/х.ф.д., профессор,

ҚарМШИ,

АДАБИЁТЛАР:

1. Казачков А.М. Урожайность озимой пшеницы по различным параметрам. // Зерновое хозяйство. – Москва, №2, 2002. – С. 17-18.
2. Махмудов Х. Ғаллани озиклантириш муҳим тадбир. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, №2, 2009. – Б.5.
3. Имомова Р., Азимова М., Вафоева М., Қурбонназаров М. Кузги ғалла экиш меъёрлари, озиклантириш ва қўчат қалинлиги. // Агроилм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси. – Тошкент, №1(39), 2016. – Б.10.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва. «Колос» 1985. -317 с.

УЎТ: 581.2:582.288

ТАДҚИҚОТ САМАРАСИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ШОЛИНИНГ ПИРИКУЛЯРИОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ

Аннотация: Мақолада шолининг пирикулярйоз касаллигини Қорақалпоғистон Республикасида географик тарқалиши баён этилган. Ўтказилган тажрибалар асосида мазкур касаллик Амударё туманида кўп учраганлиги аниқланган. Маълумотлар жадал асосида келтирилган.

Таянч сўзлар: шоли, пирикулярйоз, касаллик, *Hyphomycetales*, *Moniliaceae*, *Piricularia oryzae*, ўсимлик, поя, барг.

Аннотация. В статье исследуется географическое распространение пирикулярйоза риса в Республике Каракалпакстан и степень поражения растений этим заболеванием. Исследования проводились в 4 районах Республики Каракалпакстан на общей площади 75 гектар. На основании проведенных исследований установлено, что пирикулярйоз риса чаще встречается в Амударьинском районе. Данные, полученные в ходе экспериментов, представлены в виде таблиц. Информация, представленная в статье, служит основой для изучения болезней риса и применения мер борьбы с ними.

Ключевые слова: рис, пирикулярйоз, болезнь, фитоэкспертиза, растение, стебель, лист.

Ўзбекистон шоличилигида олинадиган ҳосилнинг бир қисми касалликлар туфайли нобуд бўлади. Этиштирилган ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш учун хўжалиқда агротехникани юқори савияда ташкил этиш, касаллик ва зараркунадаларга самарали кураш олиб бориш жуда муҳимдир.

Пирикулярйоз касаллигининг қўзғатувчиси – *Hyphomycetales* тартиби, *Moniliaceae* оиласига мансуб *Piricularia oryzae* Br. et Cav. такомиллашмаган замбуруғи. Касаллик таъсирида ўсимликнинг 15-40% гача ҳосили камайиб кетади.

Пирикулярйоз билан касалланганда уруғларнинг унвчанлиги пасаяди, майсалар нобуд бўлади, вегетация даврида айрим ўсимликлар ётиб қолади, бошоқда шоли кам бўлади, шунингдек яхши ривожланмаган ёки пуч донлар шаклланади. Пирикулярйоз таъсирида ўсимликнинг нафас олиши икки-уч мартага ошади, бу эса ўз навбатида ҳосил шаклланишида пластик моддаларнинг ортқ сарфланишига олиб келади. Бундан ташқари, касаллик ўсимликда азот

сарфининг ошишига, фосфор ва калийга талабчанлигининг камайишига олиб келади.

Тадқиқот усуллари. Гербарий намуналарини таҳлил қилиш лаборатория шароитида микроскопик ва биологик усулларда олиб борилди. Тўқима ичидаги микромицетларни ажратишда нам камера (Наумов, 1937) усулидан фойдаланилди. Микромицетларни озиқа муҳитига экиш, уларни сақлаш ишлари қабул қилинган усулларда олиб борилди (Наумов, 1937, Дудка и др, 1982). Ажратилган микромицетларнинг тур таркибини аниқлашда мавжуд аниқлагичлар (Билай, 1977, Пидопличко, 1977-1978 ва бошқ.) ва «Флора грибов Узбекистана» (1983-1997) аниқлагичлари маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар Қорақалпоғистон Республикасида фермер хўжаликларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси дон ва дуккакли экинлар ИТИ тажриба станциясидаги шоли экилган далаларда олиб борилди.

Қорақалпоғистон Республикаси туманларининг шоли далаларидан олинган ўсимлик намуналари сунъий озуқа муҳитига экилиб лабораторияда таҳлил қилинди. Шуманай туманида шоли экилган далалардан олинган 100 та ўсимликдан 16 таси пирикулярйоз касаллиги билан зарарланганлиги аниқланди.

Хўжайли тумани фермер хўжаликлари шоли экилган даладан йиғилган намуналарни фитоэкспертиза қилган вақтда 100 та ўсимликдан 20 таси пирикулярйоз билан касалланганлиги аниқланди. Амударё тумани фермер хўжаликлари далаларидан йиғилган 100 та ўсимликни фитоэкспертиза қилган вақтда 23 таси пирикулярйоз билан касалланганлиги аниқланди. Нукус туманидаги Дон ва дуккакли экинлар ИТИ тажриба майдончасидан ҳамда шоли экилган далалардан йиғилган ўсимлик намуналарини фитоэкспертиза қилган вақтда 100 та ўсимликдан 11 таси пирикулярйоз билан касалланганлиги қайд этилди.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, энг кўп пирикулярйоз касаллиги билан касалланган ўсимликлар Амударё тумани далаларидан олинган ўсимликларда учради. Олинган тадқиқот натижалари асосида шолининг пирикулярйоз касаллигининг Қорақалпоғистон шароитида географик тарқалиши, касалликнинг ривожланиши ва зарари аниқланди.

Шолининг пирикулярйоз касаллигининг Қорақалпоғистон Республикасида географик тарқалиши

№	Туманлар	Тадқиқ қилинган майдон, га	Тадқиқ қилинган ўсимлик	Жумладан	
				Касалланган, дона	Соғлом, дона
1	Шуманай	15	100	16	84
2	Хўжайли	22	100	20	80
3	Амударё	37	100	23	77
4	Нукус	1	100	11	89
Ўртача	4	75	400	70	330

Хулоса шуки, шолининг пирикулярйоз касаллиги шолининг вегетация даврида ўсимликнинг поя, ўсимлик бўғинлари, барглари ва бошоқларини зарарлаши натижа-сида 20-25% ва ундан кўпроқ ҳосил йўқотилиши мумкин. Бу эса ўсимликнинг вегетация даврида пирикулярйоз касалли-гининг олдини олишда (агротехникага қатъий амал қилиш, барча ишни ўз вақтида амалга ошириш, касалликка қарши энг мақбул чорани қўллаш) самарали кураш чораларини ишлаб чиқишни талаб этади.

**Г.К.РЕЙПОВА,
Н.С.ХАЙТБАЕВА,
Х.Х.НУРАЛИЕВ.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Горленко М.В. Семена как источник распространения болезней сельскохозяйственных растений // Влияние микроорганизмов и протравителей на семена. – М.: Наука. 1972. С. 11-15.
2. Киргизбаева Х.М., Сагдуллаева М.Ш., Рамазанова С.С. и др. “Флора грибов Узбекистана”, –Ташкент:, -Изд. “Фан” 1985; - С. 198.
3. Пидопличко Н.М. Грибы паразиты культурных растений. Определитель в ЗТ.-Киев:, 1977-1978. – С. 79.
4. Хохряков М.К., Доброзракова Т.Л., Степанов К.М., Летова М.Ф. определитель болезней растений. Изд-во “Колос”. -Л.: -1966. – С. 589.
5. Литвинов М.А. Методы изучения почвенных микроскопических грибов. Л.: Наука. 1969. 320 с.
6. Наумов Н.А. Методы микологических и фитопатологических исследований. М.-Л.: Изд-во АН С

УЎК: 631.4+631.6

ТАДҚИҚОТ САМАРАСИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТАРҚАЛГАН СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ВА ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРНИНГ ХОССА-ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: В статье представлены результаты проведенных исследований по изучению агрохимических и химических свойств типичных сероземов и луговых почв, распространенных в условиях Ташкентской области. Согласно результатам, типичные орошаемые сероземы и луговые почвы низко обеспечены по содержанию гумуса (0,36-0,87%), очень низко по содержанию подвижного фосфора (5,33-15,60 мг/кг) и низко обеспечены обменным калием (100-200 мг/кг) кг). Также было отмечено, что в орошаемых типичных сероземах содержание сухого остатка колеблется в пределах 0,125-0,145% по профилю почвы, и этот показатель постепенно уменьшается от верхних слоев к нижним слоям. Содержание Сl составляло 0,007% в верхних слоях и 0,003% в нижних слоях, при этом не наблюдалось значительного изменения содержания этого показателя по профилю. В орошаемых луговых почвах содержание сухого остатка по профилю составляло 0,090-0,120%, а по профилю его количество увеличивалось вниз. Было обнаружено, что содержание Сl- практически одинаково по профилю почвы, и составляло 0,007%.